



ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТИ КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Бобоқулов Хамид Махмадўстович

Қашқадарё вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10650128>

ARTICLE INFO

Received: 05th February 2024

Accepted: 11th February 2024

Online: 12th February 2024

KEY WORDS

Оилавий (маиший) зўравонлик, жиноят, аёллар ҳуқуқлари, генден тенглик, жазо, болалар ҳуқуқлари.

ABSTRACT

Ушбу мақола оилавий (маиший) зўравонлик жиноятининг айрим криминалогик жиҳатларини ёритилади. Унда жиноятнинг ҳолати, содир этувчи шахс шахсияти тавсифи, зўравонликка шарт-шароит яратувчи ҳолатлар ҳамда сабаблар муҳокама қилинади. Ўрганишга кўра зўравонларнинг ўртача шахсияти бу – 25-35 ёшлардаги ишсиз, ўрта маълумотли эркак бўлиб кўп ҳолларда унинг маънавий-ахлоқий савияси жуда паст бўлиши, спиртли ичимликларни суиистеъмом қилиши аниқланди. Муаллиф оилавий (маиший) зўравонликка қарши қурашда таълим, иқтисодий аҳволни яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш каби комплекс чора-тадбирлар зарурияти ҳақида сўз юритилади.

Оила жамиятнинг муҳим бўлагидир, ҳар бир киши шахсияти унда шаклланади. Оиладаги муаммолар, айниқса зўравонлик инсон ҳуқуқларини кўпол бузилиши бўлиб, оиладаги вояга етмаган боалаларга ҳам тўғридан-тўғри салбий таъсир қилади. Ҳар қандай зўравонлик каби оилавий ёки маиший зўравонлик шахснинг соғлиги, руҳияти ва мол-мулкига, қолаверса бутун жамиятга хавф туғдиради. Айни вақтда дунёдаги деярли ҳар қандай жамият бундай зўравонликни тақиқлаб, уни бузишни жазолайди. Лекин ушбу қилмиш турлича шакл ва нормаларда ифодаланади. Масалан, зўравонлик аввалдан жинслар ёки ижтимоий структурага ажратилмаган. Масалан, оила ичидаги ёки аёлларга нисбатан алоҳида мазмундаги ҳимоя нормалари олдин бўлмаган ва булар яқинда, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб пайдо бўлган ёндашув. [1] Унғача ҳар қандай шахсга нисбатан зўравонлик умумий тарзда тақиқланган ва одил судловга тортилган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам жисмоний, руҳий ёки иқтисодий зўравонлик умумий шаклда тегишли соғлиқка ёки шаън-қадр қимматга, иқтисодиёт ва мол-мулкка қарши қилмишлар таркибида доим мавжуд бўлган. Лекин аёлларга бўлган зўравонликнинг давом этиши, латент ҳолда ривожланиши, юқоридаги айтилган умумий нормаларнинг зўравонликни тўхтатолмаганлиги янгича механизмларни синаб кўришга ундади. [2] Айниқса аёлларга нисбатан зўравонлик оила доирасида энг кўп содир этилиши ортидан оилавий



зўравонлик алоҳида жинойт таркиби сифатида ишлаб чиқилиб, унга алоҳида исботлаш усуллари, унга қарши курашишнинг бошқача чоралари ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, бутун дунёда ўзини оқлаган ушбу чоралардан бири сифатида алоҳида маиший-оилавий зўравонлик қилмиши таркиби 2023 йил 14 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (126.1-модда) ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (59.2-модда)га киритилди.

Биз ушбу тадқиқотда кўпроқ жинойт қилмишига кўпроқ эътибор қаратамиз. Демак, Жиноят кодекси 126.1-моддасига кўра умумий рўзғор асосида яшаётган шахсга, собиқ эр ёки хотинига, умумий фарзанди бор шахсга нисбатан жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонлик, яъни унга мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш оилавий зўравонлик қилмиши таркибини ташкил этади.

Шунингдек, мазкур шахснинг соғлиғига (баданга) шикаст етказиш даражаларига қараб ушбу модданинг кейинги қисмларида қамраб олинган. Одатда, амалиётда ҳақорат қилиш, уриш-дўппослаш орқали тан жароҳати етказиш, шунингдек айрим ҳолларда мол-мулкига шикаст етказиш каби зўравонлик шакллари кўп учрайди. Маиший зўравонлик жинойтлари ичида мутлоқ кўпчилиги жисмоний бўлиб, у жабрланувчи баданига шикаст етказишда ифодаланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжудлиги сабабли жинойт ишларида асосан енгил ва ўртача оғир тан жароҳати (126.1-модда иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари) етказиш ёхуд маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин зўравонлик (126.1-модда биринчи қисми) кўпроқ учрайди.

Суд амалиёти статистикасига кўра 2023 йилда Ўзбекистонда **2 638** та оилавий зўравонлик жинойт ишлари (3 308 та шахсга нисбатан) кўриб чиқилган ва улардан **1800** та ҳолатда **2360** шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган. [3] Мазкур судланувчиларнинг 1 444 таси ишсиз эркаклар бўлган ва жабрлангун аёлларнинг 1 917 таси, яъни ҳар икки ҳолатда ҳам ярмидан кўпроғида ишсиз шахслар бўлган. Зўравонларнинг асосий қисми 30-40 ёшдагилар, ундан кейинги кўпчилик эса 20-30 ёшдагиларни ташкил этади. Жабрланувчилар барча ҳолларда аёллар.

Таъкидлаш лозимки, ушбу жинойт ишлари аёлларга нисбатан оиладаги зўравонлик анчагина юқорилигини кўрсатади. Чунки юқоридаги маълумотлар ҳали маъмурий ҳуқуқбузарликни ташкил этувчи оилавий зўравонликни ўз ичига олмайди. Қолавреса, Ўзбекистонда 2022 йилда К.Алиева томонидан ўтказилган сўров тадқиқотларига кўра ўртача 60%дан ортиқ респондентлар зўравонлик ҳолатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмаслигини маълум қилган.[4] Бундан келиб чиқилса, юқорида кўрсатилган маиший зўравонлик жинойт ишлари аслида содир этилаётган зўравонликларнинг жуда кам қисми бўлиши мумкин. Бунга



юқоридаги тадқиқотнинг айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари оилавий зўравонлик ишларида имкон қадар оилавий масалаларни ҳуқуқбузарлик даражасида муҳокама қилишни истамасликлари ҳақидаги ҳулосалари ҳам далил бўлади.

Бундан ташқари мазкур жиноят ҳодисаларининг латентлиги, шу билан бирга содир этилишга тўсиқ камлиги юқоридаги суд амалиёти статистикасидан ҳам кўринади: 2638 жиноят ишидан 1800 тасида айблов ҳукми ўқилган бўлса, 40%га яқин сми ярашув туфайли иш тугатилган. Олимлар, шу жумладан ўзбек олимлари К.Алиева ва бошқалар ҳам оилавий зўравонлик ишларида ярашув институтларини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашмайди. [5] Бизнингча эса ушбу жиноят асосан ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлгани туфайли шунчаки жазолаш ва унинг муқаррарлиги билан натижага эришиб бўлмайди. Ярашув институти қўлланилмаслиги катта эҳтимол билан жиноят латентлигини ошириб юборади, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам яшириш ҳолатлари кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Ярашув институти бу ўринда мутлақо жабрланувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб, уни ярашишга мажбурламайди, жазо масаласини ҳам унга боғлаб қўяди. Бу эса жабрланувчига зўравон ёнида устунлик беради. Шунингдек, бу ҳолатда оилавий зўравонликнинг оғирлиги, етказилган зарар ёки шикастнинг мазмуни ва боқша оқибатлар ҳам аҳамиятга эга.

Бу ўринда маиший зўравонлик содир этувчи шахсиятига тўхталиб ўтсак, бу ўртача олганда 25-40 ёшлардаги ишсиз эркекни ифодалайди. Албатта ундан ёшроқ ёки анчагина муваффақиятли касб эгалари ҳам зўравонлик қилади, лекин зўравонларнинг ярмидан кўпроғи одатда ишсиз бўлганлиги суд амалиёти статистикасида ўз тасдиғини топмоқда. Худди шунингдек, зўравонлик қурбонлари ҳам айна ёшдаги ишсиз аёл сифатида гавдаланади, статистика маълумотлари 25-35 ёшлардаги, ишсиз ва ўртача 2-3 нафар боласи бор аёлни оиладаги зўравонликдаги асосий қурбони сифатида кўрсатади. Зўравон эркек шахсиятини тавсифлашда унинг маънавий-ахлоқий тубанлиги ҳамда ичкилик, қиморбозлик, гиёҳванд воситалар истеъмолчи каби салбий иллатларга ружуъ қўйишини ҳам инобатга олиш лозим. [6]

Мазкур зўравонлик жинояти детерминанти деб одатда иқтисодий ночорлик ва оилавий муносабатлардаги шахсий-психологик таранглик ҳолати қаралади. Назарий ва психологик амалий тадқиқотлар ҳам оиладаги зўравонлик кўпинча иқтисодий танглик ҳолатидаги руҳий-ҳиссий босимлар натижасида содир бўлади. [7] Миллий анъаналарга кўра оиладаги муҳим қоидаларни эркеклар ўрнатиши, аёлларнинг бўйсунуви кутилиши ҳамда иқтисодий қийинчиликлар бугунги кундаги зўравонликларга олиб келмоқда. Оилавий муаммоларга бағишланган турли илмий адабиётлар оиладаги зўравонлик узоқ тарихий илдизларга эгаллигини, ундан қутулиш учун оилаларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-ахлоқий шароитини яхшилаш, таълим сифатини ошириш лозимлигини таъкидлайди. [8] Аёлларнинг таълим ва тенг меҳнат шароитларига эгаллиги зўравонликни кескин пасайтиради. Зўравонликка тоқат қилишнинг асосий сабабларидан бири бу аёлларнинг моддий таъминоти яхши эмаслиги, фарзандларини бир ўзи боқиб тарбиялашга имкони йўқлиги бўлиши мумкин. Аниқ касб, иш жойи ва даромадга эга бўлган аёллар зўравонликнинг исталган турига, руҳий, жисмоний ёки иқтисодий бўлсин, қарши тура олади ва натижада зўравонлик эҳтимоли пасаяди.



Таълим даражаси ва тарбиявий-ахлоқий хусусиятлар ҳам бу ўринда аҳамиятга эга. Зўравонларнинг ҳам, жабрданувчиларнинг ҳам аксарияти, 60% ўрта маълумотга эгаллиги ҳам таълим ва тарбиянинг аҳамиятини алоҳида кўрсатади. Гендер тенглигини, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш имкониятларини таъминлаш ҳам зўравонликка қарши курашнинг муҳим ижтимоий-сиёсий усулларида ҳисобланади. Лекин, миллий анъаналар, жамиятда қарор топган турли ишончлар мазкур тенгликни қабул қилиш, зўравонликни тугатиш ва унга тоқатсизлик муносабатларини шакллантиришни қийинлаштиради. Фикримизча, бу борада зўравонларни жазога тортишнинг ўзи етарли бўлмасдан, жиноятни олдини олиш учун тушунтириш ишларини олиб бориш, таълим жараёнида оилавий тўғри ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни тарғиб қилиш лозим.

Ушбу жиноятга қарши курашиш ва олдини олиш айниқса вояга етмаганлар манфаати учун ҳам жуда муҳим. Одатда аёлларга бўладиган зўравонликда болалар кўпроқ руҳий, айрим ҳолатларда жисмоний зарар кўришади. Суд амалиётидаги ҳолатлардан кўриш мумкинки, аёлларга зўравонлик одатда бутун оилага, шу жумладан вояга етмаган болаларга ҳам қратилади. Зўравон одатда аёлни уни ҳимоя қилиш ёки унга ёрдам беришга интиланган вояга етмаган фарзандни ҳам қўшим дўппослагани суд материалларида қайд этилган. Шунингдек, БМТ, ЖСТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ахборот ва тавсияларида ҳам аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш доим биргаликда келади. Зеро онага бўлган ҳар қандай зўравонлик бу болага ҳам зўравонликдир.

Шунингдек, оилавий зўравонлик жиноятлари содир этилишини айрим ҳолатлар билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, пандемия, катта оила бўлиб яшаш, турли маросим-тадбирлар давомида оилада руҳий-ҳиссий зўриқиш кучаяди, ташқи босим, чоратадбирлар кўплиги ва улгурмаслик, ноаниқлик ва бошқа шахслар аралашуви ҳам оилавий зўравонлик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Бу детерминат ҳам амалиётда ўз тасдиғини топмоқда. Криминологияга оид адабиётлар Covid-19 пандемияси даврида оилавий зўравонлик ҳолати кескин ортганини таъкидламоқда. [9] Шунингдек, тў-маросим ва бошқа тадбирларда юзага келган тарангликлар сабабли оилавий зўравонлик ҳолатлари суд амалиётида учрамоқда. Патриархал урф-одатлар ва фикрлаш қоиллари ҳам аёлларга нисбатан агрессияни кучайтиради. Адабиётлар ва суд амалияти кузатувлари айнан ушбу нуқталарни яхшироқ назорат қилишни тавсия этади. Чунки, кўпроқ зўриқишлар айнан патриархал қоидалар ва аёлларнинг кўпроқ ва тезроқ меҳнат қилиши, бошқа шаклдаги ишларни бажариши талаб этиладиган ҳодисалар фонидан учрайди. Бунда эркакнинг яқин қариндошлари ва бошқа шахсларнинг оила ишларига аралашуви ҳам жуда маҳим детерминант эканлиги суд амалиётида исботини топмоқда.

Умуман олганда оилавий зўравонлик ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий-ахлоқий таркибларга эга бўлган жуда мураккаб ҳодисадир. Ҳозирда мамлакатимизда унга қарши курашиш учун янги жиноят таркиби ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда ва бунинг таъсирида оилавий зўравонликни камайтириш кутилмоқда. Албатта, жиноятни аниқлаш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш жуда муҳим. Шу билан бирга унга қарши курашишда иқтисодий, ижтимоий ва таълимга оид чораларни ҳам



эътибордан четда қолдирмаслик жуда муҳимдир. Шунингдек, зўравонлик аёллардан ҳам кўра кўпроқ вояга етмаган фарзандларга салбий таъсир қилишини ҳам инobatга олиш ҳамда зўравонликни камайтириш бўйича талабчанроқ бўлиш талаб этилади. Зеро оила бу жамиятнинг энг муҳим бўлаги ва ундаги ҳар қандай муаммо ҳаммамизнинг келажагимизга тўғридан-тўғри таъсир қилади.

References:

1. Goodmark, L. (2017). Should domestic violence be decriminalized. Harv. Women's LJ, 40, 53.
2. Danis, F. S. (2003). The criminalization of domestic violence: What social workers need to know. Social Work, 48(2), 237-246.
3. Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2022 йиллар ҳамда 2023 йил асосий кўрсаткичлари, <https://stat.sud.uz/>
4. Alieva K. Gender zo'ravonlik bo'yicha taqiqot natijalari. 2022. pp. 21, 25-27.
5. Alieva Kamola. (2023). Gender inequality in Uzbekistan: problems of access to justice for women affected by domestic violence. World Bulletin of Management and Law, 18, 128-134.
6. Акуленко, В. А. (2019). Криминологический анализ понятия «Домашнее насилие». Вестник московского университета МВД России, (4), 64-66.
7. Renzetti, C. M. (2009). Economic stress and domestic violence.
8. Муханова, Е. Д. (2017). Насилие в семье: проблема социальная и правовая. Наука. Мысль: электронный периодический журнал, (4), 144-149.
9. Бессчетнова, О. В. (2021). Проблема домашнего насилия в пандемию COVID-19: кто виноват и что делать?. Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия Социология. Политология, 21(3), 283-288.
10. S.S.Niyozova. Prevention of Crime in the Family and the Role of Victimology in the Republic of Uzbekistan. International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 3, (2020), p. 3962.
11. Niyozova, S.S. (2020). The role of the victim in crimes committed by the violence of the person. Electronic Journal of Legal Research, 2 (5).